


**МАВЗУ: ТАРМОҚИЙ
СТАНДАРТЛАР ВА УЛАРГА МОС
КЕЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ
ҲУЖЖАТЛАР.**

Р е ж а :

1. Меҳнат муҳофазаси стандартлар тизими тўғрисида тушунча.
2. МХСТнинг структуравий тузилиши ва унда қабул қилинган белгилаш.
3. Тармоқий стандартлар ва уларга мос келувчи меъёрий ҳужжатлар.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ).

- Меҳнат муҳофазаси бўйича энг муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири 1973 йилдан ишлаб чиқаришга жорий қилинган "Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими"дир (МХСТ).
- МХСТ - бу, меҳнат жараёнида инсоннинг соғлиғини ва иш қобилиятини сақлашга, хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган талаблар, меъёрлар ва қоидаларни ўз ичига олган ўзаро боғлиқ стандартлар мажмуасидир.
- МХСТ - давлат стандартлаштириш тизимининг ташкил қилувчи қисмларидан биридир.
- МХСТ стандартлари давлат, республика, тармоқий ва корхона стандартларига бўлинади.



Ички
тизим
шифри
0

1 Зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш
омиллари турлари бўйича талаблар
ва меъёрлар стандартлари

2 Ишлаб чиқариш ускуналарига
хавфсизлик талаблари
стандартлари

3 Ишлаб чиқариш жараёнларига
хавфсизлик талаблари
стандартлари

4 Ишловчиларни химоя қилиш
воситаларига хавфсизлик
талаблари стандартлари

5 Бино ва иншоотларга хавфсизлик
талаблари стандартлари

6-9 Захира

МХСТ структуравий тузилиши:

➤ Ички тизим:

0 - МХСТни тузиш асослари ва жорий қилишнинг ташкилий-услубий стандартлари.

1 - Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг турлари бўйича меъёр ва талаб стандартлари.

2 - Ишлаб чиқариш воситаларига хавфсизлик талаблари стандартлари.

3 - Ишлаб чиқариш жараёнларига хавфсизлик талаблари стандартлари.

4 - Ҳимоя қилиш воситаларига қўйиладиган талаблар стандартлари.

5 - Бино ва иншоотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари стандартлари.


6-9 - Заҳира.

Эслатма:


- а) 0; 2; 3; 4; 5 - ички тизимлар давлат, республика ва тармоқий бўлиши мумкин.
- б) 0 - ички тизим стандартлари корхона стандарти ҳам бўлиши мумкин.
- в) 1 - ички тизим стандартлари фақат давлат стандарти бўлиши мумкин.

МХСТ да қуйидагича белгилаш қабул қилинган:

Масалан: ГОСТ 12.1.005-88



ТСТ МХСТ структуравий схемаси




МММК тегишли асосий Низом ва қоидалар

- Меҳнат вазирлигининг “**Меҳнат муҳофазаси бўйича Вакил ҳақида**”ги Низоми. Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 18 декабрда 196-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
- Меҳнат вазирлигининг “**Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида**”ги Намунавий **низоми**. Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 273-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
- Меҳнат вазирлигининг “**Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида**”ги Намунавий **низоми**. Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 272-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

- “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган.
- “Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги низом. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: “Адолат”, 2011. 3-сон, 29-модда.
- Меҳнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш методикаси”. Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 28 майда 247-сон билан; киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 2001 йил 7 июлда 247-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Гопшириқ: Меҳнат муҳофазасининг меъерии-техник ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг кластерини ТВЗИНГ



Назорат саволлари

- Меъёрий-техник ҳужжатлар бўйича ВМнинг қанақа қарорлари қабул қилинган?
- “Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими” (МХСТ) моҳияти нима?
- МХСТнинг структуравий тузилиши қанақа?
- “Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими”да қандай тартибда белгилаш қабул қилинган?
- МХСТдаги белгиланиш бўйича ГОСТ 12.1.005-88 нимани билдиради?
- ММ бўйича қанақа асосий Низомларни биласиз?
- Иш ўринларини аттестация қилишнинг методик асосини қанақа ҳужжат ташкил қилади?

Эътиборингиз учун раҳмат!

